

## **Сўзчили**

### **1. ИНГЛИЗЧИКИДАН ВА КИРИЛЛАДАН**

- Ўзбекчесоюзийи санъат ва маданият институти;
- Ўзбекистон Республикаси мағлумат афкорини;

### **2. ГАСДЕКЛАДАН ВА АМАЛГА КИРИЛЛАДАН**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
Угуз-устубий бирлашмалар филиалини Мувофиқиширунга 2019 йил «Ўз» дарёнига дарё № 2 – соли йўналишинда ишбуланган.

### **3. ЖОРНАЛДАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда  
бошқариши**  
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси  
Министри Усулийи таълимни  
Бошкунчлик министри

**Тошкент**

**ЎЗР ОҮМТВ**

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти;
- Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» июн даги 2 - сонли йигилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

T/p		бет
1.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....</i>	4
2.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....</i>	6
3.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	8
3.1.	Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2.	<i>5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми .....</i>	9

## **1. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака даражаси 1-жадвалда келтирилган.

**Ўкув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўкув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси**

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқутарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлганabituriyentlar ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари санъат ва маданият муассасаларидаги ижодий жараённи ташкил этиш, фаолият тизимини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, санъат ва маданият соҳасида комплекс масалаларни ечиш, маданият ва санъат соҳасини бошқаришга тегишли муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини қамраб олади.**

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.*

**1.2.2. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш жараёнлари;
- маданият ва санъат муассасаларида ижодий жараёнлар;
- ижтимоий ва давлат ишлаб чиқариш муассасаларидаги маданий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёнлари;
- жамоат ташкилотларидаги маданий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёнлари.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.*

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуидагиларни қамраб олади:**

- маданият ва санъат соҳаси фаолиятини ташкил этиш;
- ижодий-ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- аҳолининг дам олишини ташкил қилиш;
- бадиий жамоаларни ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш;
- фестиваль, кўрик-танловларни ташкил этиш;
- Ўзбекистон номоддий маданий меросини мухофаза қилиш ва тарғиб этиш билан боғлик ташкилий ва ижодий ишларни ташкиллаштириш;
- аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш.

**1.2.3. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ижодий-ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот;
- сервис хизматини кўрсатиш. (Маданий тадбирларни ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш);

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:**

- 5A151701-Маданият ва санъат соҳаси менеџменти магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

• Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

### **Бакалавр:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётй нуқтаи назарга;

- дунёкарап билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурӣ билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йифиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқкув ва қўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **2.2. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ижодий-ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- ижодий-ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб

чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– ижодий-ишлаб чиқаришда замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услугуб ва механизмларини ишлаб чикиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– қасбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ижодий-ишлаб чиқариш жараённада сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– турли фикрлилик шароитида бошқарув карорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш гурӯҳ ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятига эга бўлиши керак**.

#### **Ижодий-ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– маданият ва санъат соҳаси бўйича (*тадбирлар, семинарлар, кўнгил очар тадбирлар*) тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тадбирлар мавзуси бўйича хуносалар ишлаб чиқиш ва тадқик қилиш;

– тадбирлар ва дастурлар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– маданият ва санъат соҳаси бўйича аҳолига маданий ва майший хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– маданият ва санъат соҳаси бўйича аҳолига маданий ва майший хизмат кўрсатишнинг амалий жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш **қобилиятига эга бўлиши керак**.

#### **Илмий-тадқикот фаолиятида:**

– республика ва хорижда чоп этилган маданият ва санъатга оид илмий-ижодий ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– маданият ва санъат соҳаси обьекти ва предметларини назарий ва амалий муаммоларига оид илмий-тадқикот ишларини бажаришда иштирок этиш;

– мавзу бўйича илмий-ижодий маълумотларни йигиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-ижодий натижаларни ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш **қобилиятига эга бўлиши керак**.

#### **Сервис хизмат кўрсатишда:**

– маданият ва санъат соҳаларида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– тайёргарлик ихтисослигига мос йўналишлар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш **қобилиятига эга бўлиши керак**.

**3. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлар;

кўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар  
Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур хосил қилиши;

Жаҳон ва ўзбек маданияти тарихини, адабиётини билиши ва улардан фойдаланиши;

Маданият ва санъат соҳаси бошқаруви ҳамда унинг хуқуқий асосларини билиши;

Маданият ва санъат соҳасини режалаштириш ва молиялаштиришни билиши;

Маданият ва санъат соҳаси иқтисодиётини билиши;

маданий тадбирларни – томоша ва театрлаштирилган концертлар, ҳалқ ўйинлари, оиласий тадбирлар, кечалар, кўрик-танловлар, кўргазмалар, бадиий композиция, карнавал ва дискотека, фестивалларни ташкил этишни билиши;

аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда маданий-маърифий ва кўнгилочар хусусиятга эга бўлган хилма-хил хизматлар кўрсатишни билиши;

хаваскорлик, бадиий ижод ва амалий санъат билан шуғулланувчилар учун шартшароитлар яратишни билиши;

мехнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

#### **Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти қўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

хаваскорлик жамоаларининг турлари, улар билан машғулотлар ўтказиш услублари, репертуар танлаш, концерт дастурларини шакллантириш механизмини билиши, хаваскорлик жамоалари билан амалий машғулотлари учун шароитлар яратиши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

#### **Кўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

мехнат бозорида ракобатбардошликни таъминлаши ҳамда санъат соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари:**

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буортмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

#### **3.2. 5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқарши бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим - 60 %;

аттестация - 7 - 8 %;

таътил - 15 %;

малакавий амалиёт - 15 %;

битириув малакавий иши - 2-3 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар 25 %;;

умумкасбий фанлар 50 %;

ихтисослик фанлар 20 %;

кўшимча фанлар 5 %.

Илова

*5151700 –Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариши  
бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши*

Т.р.	Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1	2	3
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1646
2.00	Умумкасбий фанлар	3296
2.01	Жаҳон адабиёти	64
2.02	Ўзбек адабиёти	184
2.03	Маданият социологияси	120
2.04	Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси	178
2.05	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиши ҳамда бошқариш асослари	1428
2.06	Сценарийнавислик ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиши	884
2.07	Мутахассисликка кириш	64
2.08	Маъмурий ҳуқуқ <i>Танлов фанлар</i>	120 254
3.00	Ихтисослик фанлари	1316
3.01	Паркшунослик	192
3.02	Санъат менежменти ва маркетинги	404
3.03	Музейшунослик	134
3.04	Маданият марказлари иши	116
3.05	Маданият иқтисодиёти <i>Танлов фанлари</i>	268 202
4.00	Қўшимча фанлар	330
	Жами:	6588
	Малакавий амалиёт	1620
	Битириув малакавий иши	324
	Аттестациялар	864
	Жами	2808
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>9396</b>

**Эслатма:** Уибу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажсига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш мумкин

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

Маданий-маърифий фаолият асослари, маданий-маърифий муассасаларнинг турлари ва уларнинг иш шакллари, давлат ва нодавлат муассасалари, давлат муассасаларининг тизими, маданият ва санъат муассасаларда ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш, муассасаларнинг молиялаштирилиши, маданият ва санъат муассасалари тизими, маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш, “халқ” ва “намунали” ҳаваскорлик жамоалари, ҳаваскор бадиий жамоалар, маданий тадбирлар усуллари ва шакллари, маданий-маърифий муассасаларда номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб этиш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, маданиятда менежмент ва иқтисод йўналиши бўйича предметнинг турларини таҳлил қилиш, бозор иқтисодиёти даврида таълим, маданият ва санъат йўналиши бўйича концепция, бошқарувни бозор муносабатларига мослаштириш, ижодий гурӯҳ ишчилари меҳнатини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг замонавийлиги, маданият соҳасида иқтисоднинг истиқболли йўналиши.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси санъат ва маданият институти**

Ректор

И.Ж.Юлдашев



М.ў.

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**

**Олий ва ўрта маҳсус, қаеб-хунар таълимини**

**Ривожлантирини маркази**

Директор

З.Т.Хакимов



М.ў.

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Таълим муассасалари ва  
тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси**

Бошлиқ

С.Х.Мадиев

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

М.ў.



**Республика маданият муассасаларини ташкил этиш илмий-методик маркази**

Директор

А.Х.Хайдаров

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

М.ў.



**5151700 –“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига берилган**

**ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналишида баркамол инсонни тарбиялаш, мустақил фикрига эга ижодкор ёшлар таълим-тарбиясига эътибор бериш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланган.

5151700 – “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари хам ана шу вазифалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Малака талабларида мазкур таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар касбий фаолиятдаги асосий мезонларни белгилайди. Маданият ва санъат соҳасидаги маданий-маърифий ислоҳотларнинг амалга ошиши кўп жихатдан етук, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасини қўяди.

5151700 – “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларида юқори даражада таълим олишни таъминлайдиган назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш, фан, соҳа ҳамда бошка тармоклардаги замонавий бошқарув тизими билан таништириш, соҳага тегишли амалий, касбий компетенцияларни шакллантириш, касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талабларда таълим дастурини ўзлаштиришда бир катор масалалар интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабларнинг мустақил таълими кўзда тутилган.

Ушбу малака талабларини амалга оширишда баҳолаш тизимининг аҳамияти катта ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, уларни таълим бериш жараённида қўллаш кутилган самараларни беради.

**Республика маданият муассасалари  
фаолиятини ташкил этиш илмий  
методик маркази директори, профессор**

**А.Хайдаров**

**5151700 –“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига берилган**

**ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналишида асосий вазифа – баркамол инсонни тарбиялаш, мустақил фикрига эга ижодкор ёшлар таълим –тарбиясига эътибор бериш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланган.

5151700 –“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ҳам ана шу вазифалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Малака талабларида мазкур таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар касбий фаолиятидаги асосий мезонларни белгилайди. Маданият ва санъат соҳасидаги маърифий ислоҳотларнинг амалга ошиши қўп жиҳатдан етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасини қўяди.

5151700 –“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларида юқори даражада таълим олишни таъминлайдиган назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш, фан, соҳа ҳамда бошқа тармоклардаги замонавий бошқарув тизими билан таништириш, соҳага тегишли амалий, касбий компетенцияларни шакллантириш, касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талабларда таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабларнинг мустақил таълими кўзда тутилган.

Ушбу малака талабларини амалга оширишда баҳолаш тизимининг аҳамияти катта ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, уларни таълим бериш жараёнида қўллаш кутилган самараларни беради.

**“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси профессори,  
социология фанлари доктори**



**А.А.Умаров**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича  
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш  
150000-Санъат таълим соҳаси ўқув-услубий бирлашмаси  
йигилишининг \_\_-сонли

## БАЁННОМАСИ

2019 йил “29” июн

Тошкент шаҳри

Қатиашдилар: Бирлашма раиси – И.Юлдашев  
Аъзолари: А.Мансуров (ЎзДК), Н.Сайфуллаев, Қ.Қодиров (МРДИ),  
Ш.Тоҳтасимов, Ж.Фаниев (МРХОМ), З.Алиева (ЎзФАСИ), Р.Исмаилов, А.Ўрозов  
(ЎзДСМИ).

### КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктиносидиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ти ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июняғи "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларниң мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-3775-сон, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат килиш тизимини такомиллаптириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-4119-сон, 2019 йил 17 июняғи "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга кабул килишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ти ПҚ-4359-сон, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-4358-сон Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 июняғи "Давлат таълим муассасалари ҳамда подавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўtkазиш тартибини такомиллаптириш тўғрисида"ти 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сон топшириғида белгилаб берилган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартиба солувчи бошқа норматив-хукукий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Эннитиди: Ўқув-услубий бирлашма раиси И.Юлдашев:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктиносидиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ти ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июняғи "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларниң мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-3775-сон, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат килиш тизимини такомиллаптириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-4119-сон, 2019 йил 17 июняғи "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга кабул килишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ти ПҚ-4359-сон, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини

